



**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича****ШАРТНОМА**

г. Чинноз

« 2 » июнь 2022 года

Бундан буён «БҮЮРТМАЧИ» деб аталувчи Чинноз ТТБ Д.Юсуфбеков бир томондан ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи « MEGA TEX MADINABONU» МЧЖ номидан НИЗОМ асосида фаолият олиб борувчи раҳбар М.Дехконова бошқа томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар:

№	Наименование Продукции	Ед. изм.	Кол-во	Цена за единицу у Сум, с НДС	Стоимость Продукции с НДС Сум
1	Услуга аутсорсинга прачечных	шт	5892	8530	50258760
Итого: (эллик миллион икки юз эллик саккиз минг етти юз олтинчи сўм )					50258760

**1. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачини ошхона хизматини яни тайёр иссик овкат етказиб бериш хизматини

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жаҳралига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз эъминлигига олади.

“Харидор” аутсорсинг хизмати учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан “Етказиб берувчи” ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

“Харидор” тақдим этилган ҳужжатларга асосан колган 70 фоизтуловни 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

20 22 йил « 2 » июндан.

20 22 йил «31» декабрғача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг узгариши муносабати билан шартномага узгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

бепул тўғрилаши;

- 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;
- 2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;
- 2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;
- 2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
- 2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
- 2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;
- 2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;
- 2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);
- 2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.
- 2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- 2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;
- 2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;
- 2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;
- 2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.
- 2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
- 2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;
- 2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;
- 2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

- 3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 50258760  
Элик селледон икки юз тик етмиш миң етти юз дегизи  
(сумма сон ва сўз билан)

сўмни ташкил этади.

- 3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.
- 3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.
- 3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.
- 3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

- 4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАСЪУЛИЯТИ.

5.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

5.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

5.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

5.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:  
- тарафларнинг ходимлари ёки вакиллари пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

5.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

5.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-5.5-бандларида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар

#### VII. Яқунловчи қоидалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 й

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

Наименование: ООО MEGA TEX MADINA

BONU

Адрес: Чиназ Истиклол 148

Тел.: +998972496141

Факс: 707003486

ИНН: 308386724

ОКЭД:

Р/С: 20208000705374426001

Банк: ЧИНОЗ Т., "АГРОБАНК" АТБ ЧИНОЗ

ФИЛИАЛИ

МФО: 00476

Наименование: Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси

Адрес: Чиноз ш Ахунбабаев кучаси 53-уй

Тел.: 707003486

Факс: 03705931367

ИНН: 200454704-9028956

ОКЭД: 86100

Казначейский лицевой счет заказчика:

400322860272567073101054001

Наименование казначейского подразделения:

ИНН казначейского подразделения:

Единый казначейский счет (ЕКС):

23402000300100001010



Д.Юсуфбеков

М.Дехконов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"MEGA TEX MADINA BONU" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"MEGA TEX MADINA BONU" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

12.04.2021

976652

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308386724

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Toshkent viloyati, Chinoz tumani, Chinoz, Istiqlol ko'chasi 149 uy.**

Guvohnoma:

**Toshkent viloyati, Chinoz tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan**

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



2022 йил 2 июньдаги

9 сонли шартномага

1-илова

Чиноз тумани Тиббиёт бирлашмаси Кирларини ювиш дазмоллаш куритиш

Аутсорсинг хизмати

ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Ўлчов бирлиги	Ишлар қиймати	5	6	ИЮНЬ	Кирларини ювиш дазмоллаш куритиш хизмати
1		3	4	5	6	7	8
1	Кирларини ювиш дазмоллаш куритиш хизмати	Усл.ед	5892*8530 50258760			5892*8530 50258760	1 КУН
			50258760			50258760	

Хизмат курсатувчи:

М.Дехканова



Буюртмачи:

Д.Юсуфбеков



МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Хизмат кўрсатувчи: МЕГА ТЕХ МАДИНА ВОНУ МЧЖ

Аутсорсинг хизмати

Хизмат кўрсатувчи: МЕГА ТЕХ МАДИНА ВОНУ МЧЖ

Шартнома қиймати: 50258760 сўм

Молиялаштириш шартлари	Ўлчов бирлиги	Ишлар қиймати	ИЮН	Қирларини ювиш дазмоллаш куритиш хизмати
Қирларини ювиш дазмоллаш куритиш хизмати	Усл.ед	5892*8530 50258760	5892*8530 50258760	1 кун
жаъми		50258760	50258760	



Хизмат кўрсатувчи:

М.Дехканова



Буюртмачи:

Д. Юсуфбеков

**протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 89029 на приобретение Услуги прачечных аутсорсинг**

Способ проведения электронный

Дата 27.05.2022

Время рассмотрения 27.05.2022 15:06

Конкурсная комиссия Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	JABAYEV BAXTIYOR ILESOVICH	Председатель	Председатель
<b>Секретарь комиссии</b>	YO'LDOSHEVA MUXAYYO SHOMAXAMAD QIZI	Секретар	Секретар
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOVA MUKADDAS YUSUPOVNA	Член комиссии	Член комиссии
<b>Член комиссии</b>	ZIYAYEVA SURAYYO DJABBAROVNA	Член комиссии	Член комиссии
<b>Член комиссии</b>	XASHIMOVA NIGORA XAFIZULLAYEVNA	Член комиссии	Член комиссии
<b>Член комиссии</b>	MUSTAFAYEVA XURSHIDABONU XUSAN QIZI	Член комиссии	Член комиссии

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.05.2022 года № лота 89029.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги прачечных</b>
Подробное описание	Услуги прачечных Май-Июн июл
Количество товара	5 892.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	8 757.00
Стартовая сумма	51 596 244.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иш ва хизматларни сифатли тўлиқ бажарилиши тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш ва хизматларни сифатли тўлиқ бажарилиши тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
CLEAN ALL MCHJ	25	8100 Қуйидаги файлда барча сўралган	24	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		малумотлар илова қилинди				
<b>ООО MEGA TEX MADINA BONU</b>	25	25	24	Экспертная		

Критерий №2 Аутсорсинг хизмати кўрсатадиган ташкилотнинг молиявий баланс

Тип: Текстовое значение

Описание: Аутсорсинг хизмати кўрсатадиган ташкилотнинг молиявий баланс

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>CLEAN ALL MCHJ</b>	25	8100 Куйидаги файлда барча сўралган малумотлар илова қилинди	19	Экспертная		
<b>ООО MEGA TEX MADINA BONU</b>	25	25	24	Экспертная		

Критерий №3 Хизмат кўрсатувчининг ишчи ва хизматчилари хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат кўрсатувчининг ишчи ва хизматчилари хақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>CLEAN ALL MCHJ</b>	25	8100 Куйидаги файлда барча сўралган малумотлар илова қилинди	15	Экспертная		
<b>ООО MEGA TEX MADINA BONU</b>	25	25	24	Экспертная		

Критерий №4 Корхона ғолиб бўлган тақдирда 1 ой муддат ичида ташкилот бн ижара шартномаси ва коммунал тўловлари шартномаларини имзолаши тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона ғолиб бўлган тақдирда 1 ой муддат ичида ташкилот бн ижара шартномаси ва коммунал тўловлари шартномаларини имзолаши тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>CLEAN ALL MCHJ</b>	25	8100 Куйидаги файлда барча сўралган малумотлар илова	23	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		қилинди				
ООО МЕГА ТЕХ MADINA BONU	25	25	23	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО МЕГА ТЕХ MADINA BONU	51 596 244.00	50 258 760.00	27.05.2022 10:10:29	18.99
CLEAN ALL MCHJ	51 596 244.00	47 725 200.00	27.05.2022 09:59:45	20.00

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО МЕГА ТЕХ MADINA BONU	76	18.99179	94.99179
CLEAN ALL MCHJ	64.8	20	84.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 89029 от 27.05.2022 года на приобретение Услуги прачечных аутсорсинг определила победителем:

ООО МЕГА ТЕХ MADINA BONU  
308386724

и резервный исполнитель: CLEAN ALL MCHJ (309553832)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	JABAYEV BAKHTIYOR ILESOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	XASHIMOVA NIGORA XAFIZULLAYEVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IBRAGIMOVA MUKADDAS YUSUPOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	ZIYAYEVA SURAYYO DJABBAROVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MUSTAFAYEVA XURSHIDABONU XUSAN QIZI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



«ТАСДИКЛАЙМАН» Чиноз туман  
тиббиёт бирлашмаси Бошлиги

*Д. Юсуфбеков*  
Д. Юсуфбеков

«1» июн 2022 йил

Чиноз шаҳри

Тошкент Чиноз тумани, Чиноз туман Тиббиёт Бирлашмасида Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 9 февралдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги 684-сон қарорининг 20-57бандига биноан Танлов ўтказиш тартиб-таомиллари, 4-§. Танлов таклифларини бериш тартибида кўрсатилган талаблар асосида ТТБда даволанаётган беморларга июн-июл август ойлари учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг меъёр талаблари асосида санитария ва гигиена қоидаларига амал қилган ҳолда тайёрлаш бўйича аутсорсинг хизмати курсатиш Давлат харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш харид комиссияси мажлисининг хайъат йиғилишининг

### БАЁННОМАСИ

**Раислик қилувчи:** Тошкент вилояти Чиноз туман Тиббиёт бирлашмаси бошлигининг иқтисодий ва умумий ишлаб бўйича муовини Б.Жабаев

**Комиссия аъзо ҳамда иштирокчилари:** 1. Чиноз ТТБ катта хамшираси - комиссия аъзоси М.Йўлдошева

2. Чиноз ТТБ Бош ҳисобчиси – М.Ибрагимова
3. Чиноз ТТБ ҳисобчиси – Х.Мустафаева
4. Чиноз ТТБ ҳисобчиси- Н.Ҳашимова
5. Чиноз ТТБ кадрлар бўлими бошлиғи С.Зияева

#### **Танловда иштирок этган корхоналар:**

1. «CLEAN ALL MCH» Ма`сулияти чекланган жамияти
2. .ООО «MEGA TEX MADINABONU»Ма`сулияти чекланган жамияти

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

Тошкент вилояти Чиноз тумани Тиббиёт бирлашмаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” ги 684-сон қонунининг 20-57банди билан Танлов таклифларини бериш тартибида кўрсатилган талаблар асосида etender.uzex.uz веб порталига 25-март 2022 йилда жойлаштирилган 89029-сонли «2022 йил июн-август ойларига қадар ТТБда даволанаётган беморлар қирларини ювиб дазмоллаш бўйича аутсорсинг хизмати курсатиш» учун корхона ва ташкилотлар ўртасида энг яхши таклифни танлаш танловни ўтказиш ҳамда қолибни аниқлаш.

## ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги масала, яъни Чиноз туман тиббиёт Бирлашмасида даволанаётган беморларга иссиқ овқат тайёрлаш хизматини харид қилиш бўйича хизмат кўрсатиш жараёнини ҳозирги замон талабларига мос равишда утказилишини таъминлаш шартлигини айтди. Шу боис ушбу иш ва хизматларни амалга ошириш учун, юқорида келтирилган қонун, низом ва буйруқларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 9-феврал 2022 йилда жойлаштирилган 89029-сонли «2022 йил июн-август ойлари давомида ТТБда даволанаётган беморларнинг қирларини ювиш ва дазмоллаб бериш учун Жами 8757 сум ҳисобидан 5892 кг ни, Ювиш учун факат барча зарур санитария меёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий тозалаш воситаларидан фойдаланиш . Ювилгандан сўнг қийимлар одамлар учун хавфсиз бўлиши Шундан сўнг мажлис утказилгунга қадар юқорида келтирилган иш ва хизматларни бажариш учун 2 (икки) та талабгор қорхона ва ташкилотлар, яъни «CLEAN ALL MCH» , ООО «MEGA TEX MADINABONU» Масъулияти чекланган жамияти томонидан тижорат таклифлари электорн базага жойлаштирилган ушбу тижорат таклифлари белгиланган тартибларга мувофиқ Тиббиёт Бирлашмасига келиб тушганлиги мажлис иштирокчилари томонидан текширилди ва ҳар бир комиссия аъзоси томонидан бал берилди

«CLEAN ALL » Масъулияти чекланган жамияти ни тижорат таклифи қорхона ишчилари маълумотлари жорий баланси қафолат хати , ишчилари ва солиқдан қарздорлиги кўриб чиқилди ва комиссия аъзолари томонидан жаъми 64.8 балл йигилгани маълум бўлди

ООО «MEGA TEX MADINABONU» Масъулияти чекланган жамияти ни тижорат таклифи қорхона ишчилари маълумотлари жорий баланси қафолат хати , ишчилари ва солиқдан қарздорлиги кўриб чиқилди ва комиссия аъзолари томонидан жаъми 76 балл йигилгани маълум бўлди

Сўнгра суз навбати Чиноз туман Тиббиёт Бирлашмаси Комиссия аъзоси Жабаевга берилди. Жабаев сўзга чиқиб, муҳокамага қуйилгандан сўнг қорхона ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини маълум қилди.

## МУХОКАМА ҚИЛИНДИ:

Тошкент вилояти Чиноз туман Тиббиёт Бирлашмаси бошлиғининг иқтисодий ва умумий ишлар бўйича муовини, комиссия раиси Б.Жабаев сузга чиқиб қорхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилган қуйидаги тижорат таклифлари тугрисида йигилган баллни эълон қилди :

Ишвахизматларнинг номи	«CLEAN ALL » Масъулияти чекланган жамияти	ООО «MEGA TEX MADINABONU» Масъулияти чекланган жамияти
Тиббиёт Бирлашмасида Кир ювиш, куритиб дазмоллаб бериш аутсорсинг хизмати	64.8	76

Шундан сунг берилган маълумотларга асосан танлов буйича ТТБнинг танлов хайъати раиси, аъзо ва иштирокчилари томонидан корхона ҳамда ташкилотлар томонидан тақдим этилган тижорат таклифлари урганиб чиқилди ва танлов якунига асосан аниқланган натижалар буйича куйидагича

Юқоридагиларни инобатга олиб махсус хайъат йигилиши

**КАРОР КИЛАДИ**

Тиббиёт Бирлашмасида Кирларни ювиб дазмоллаш Ювиш учун фақат барча зарур санитария меёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий тозалаш воситаларидан фойдаланишжами 5892 кг, танловга кўйилган 8530 (саккиз минг беш юз ўттиз) **50258760** (эллик миллион икки юз эллик саккиз минг етти юз олтмиш) сўмга бажариб бериш истагини билдирган ООО «MEGA TEX MADINABONU» Масъулияти чекланган жамияти танлов ғолиби деб эълон қилинсин.



1. ООО «MEGA TEX MADINABONU» Масъулияти чекланган жамияти билан Чиноз туман Тиббиёт бирлашмаси ўртасида аутсорсинг шартномаси тузилсин

2. Махсус хайъат йигилиши Карорига асосан имзоланган шартнома буйича махсулотларнинг сифатли бўлишитулик назорат қилинсин.

Хайъат раиси:

 Б.Жабаяев

Хайъат аъзолари:

 М.Ибрагимова  
 Х.Мустафаяева  
 М.Йўлдошева  
 Зияева С  
 Н.Хошимова

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN  
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma.
2. **Loyihaning nomi:** Chinoz tuman Tibbiyot birlashmasi bilan "MEGA TEX MADINABONU" MChJ o'rtasida tibbiyot vositalari yetkazib berish bo'yicha shatnoma loyihasi.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Chinoz tuman Tibbiyot birlashmasi tomonidan huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 09.06.2022-yilda elektron tizimga kiritilgan.

Chinoz tuman Tibbiyot birlashmasi bilan "MEGA TEX MADINABONU" MChJ o'rtasidagi, umumiy qiymati **50 258 760 (ellik million ikki yuz ellik sakkiz ming yetti yuz oltmish)** so'm miqdordagi shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi.

Tomonlar o'rtasida tuzilayotgan mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi va O'zbekiston Respublikasining 1998 yil 29-avgustdagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni va boshqa tegishli qonun hujjatlari talablariga mos ravishda yozilgan.

Taraflardan biri shartnoma majburiyatlarini bajarmagan taqdirda tomonlarga javobgarlik choralari qo'llanilishi, kelishmovchiliklar paydo bo'lgan taqdirda o'zaro hal qilish yoki iqtisodiy sudida hal qilish tartibi, barcha qo'shimcha va o'zgartirishlar yozma ravishda ikki tomonlama imzolanib tasdiqlangan holda tuzilishi nazarda tutilgan.

Shartnoma loyihasida taraflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi va boshqa kelishilgan barcha shartlar qonun hujjatlari talablariga mos keladi va **uni tuzish maqsadga muvofiq.**

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**J.Muhammadiyev**

13.06.2022-yil